30 11 98

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 21 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 81(7077)

Da'vat

Улуғ кишиларни меҳнат етилтиради.

СЕНЕКА

Ibrat

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги шодиёналари арафасида Фарғона Давлат университети қошида Академик лицей очилди. Мазкур лицейда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун жаҳон андозаларига мос ҳолда барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

JUMLADA JAHON

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг А.Т.-Жалиловни Узбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўгрисидаги Фармони эълон қилинди.

●Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Имом ал-Бухорий юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги гуруҳ тугалланиш арафасида бўлган ёдгорлик мажмуини бориб кўрди.

●Пойтахтдаги Байналмилалчилар маданият марказида «Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш» мавзусига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 1998 йил 20 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ доллари 106 сўм 58 тийин қийматида белгиланди.

●Грузияда марҳум президент Звиад Гамсахурдия тарафдори бўлган, ҳарбий тузилмаларнинг собиқ раҳбарларидан бири Акакий Элиава бошчилигида Сенаки мотоўқчи батальони бир гуруҳ ҳарбийлари исён кўтарди.

●Тоҳар вилоятининг маркази бўлмиш Талакан шаҳри учун Аҳмад Шоҳ Маъсуд аскарлари олиб борган жангларда толибонлар 350 га яқин аскарларни йўқотди, 250 нафари асир олинди.

● Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг бир гуруҳ вакиллари Югославия Президенти Милошевичнинг Косовода ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, қочоқларни ўз яшаш жойларига қайтариш тўғрисидаги ваъдасининг бажарилишини текшириш мақсадида Косовога келди.

O'ZBEKISTON – TURKMANISTON

ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ МУШТАРАК МАНЗИЛЛАРИ

Айни замонда жаҳон амалиётида давлатларнинг алоҳида-алоҳида эмас, балки минтақа-минтақа бўлиб, бир бутун ҳолда ривожланиш анъанаси кузатиляпти.

Аслида бу анъана Марказий Осиё мамлакатлари деб аталаётган давлатларда – Туркистон заминида дунёга келди, десак хато бўлмайди. Демоқчимизки, бу қўҳна тупроқда қўшнилар билан муносабат мавзусига айрича эътибор берилган. Шу ўринда «Қўшнинг тинч - сен тинч», «Ён қўшни - жон қўшни», «Ҳовли олма, қўшни ол» сингари мақолларнинг бежиз юзага келмаганини таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ана шу каби анъаналарни давом эттириш, яхши қўшничиликни тиклаш, алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сиёсат, иқтисодиёт, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари борасида баҳамжиҳат иш кўриш, ога-ини, қардош давлатларнинг ҳар бири учун табиий заруратдир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ўртасида Ашгабатда шу йилнинг 16 октябрь куни бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама этилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар буни яна бир карра тасдиқлади.

Мулоқот чоғида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш шу кунгача икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, маданий-маънавий алоқаларни бундан-да чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Президентлар ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳар икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бунинг учун эса давлатларимизда зарур салоҳият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли.

Туркманистон Президенти саройи — «Туркманбоши қўшки»да бўлиб ўтган учрашув ниҳоясида Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, икки давлат учун ҳам бирдек аҳамиятга эга муҳим масалаларга тўхталди.

— Биз учун асосий масала – минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ, - деди давлатимиз раҳбари. – Хусусан, Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият, нотинчлик ҳаммамизни жиддий ташвишга солади. Шу боис, биз мамлакатларимиз хавфсизлигига дахл қиладиган хавф-хатарни батамом бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз, бу борада бамаслаҳат иш юритмоғимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, вазифамиз шундан иборатки, мамлакатларимиз тараққиёти, халқларимиз фаровонлиги учун нимаики лозим бўлса, шуни муҳайё этмоғимиз лозим.

Президентлар Афғонистон муаммоси бўйича ўз муносабатларини баён этишар экан, афғон можароси фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилмоғи зарурлигини яна бир бор таъкидлаб, бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан илгари сурган ташаббусни қўллаб-қувватлаяжакларини айтдилар.

Музокараларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо алоқаларини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бунинг учун давлатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган.

Умуман олганда, Узбекистон Республикаси ва Туркманистон Президентларининг музокаралари икки давлат раҳбарларининг муносабатлари учун алоҳида аҳамият касб этган анъанавий, ўзаро тушуниш ва фойдали мулоқот муҳитида ўтди.

Тил бор — миллат бор
2-бет

Қўнгил дарёсининг гавҳари
2-бет

Taqdimot

ДАРЖ ТОПГАН ЭҲТИРОМ

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг буюк аллома, ҳадис илмининг билимдони, яқинда 1225 йиллиги нишонланиш арафасида бўлган Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижодига бағишлаб нашр этган китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раиси ўринбосари Шермат Ёрматов очди . Халқаро «Амир Темур» хайрия жамғармаси ҳомийлигида чоп этилган «Имом ал-Бухорий ҳаёти», «Муҳаддислар имоми», «Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий» деб номланувчи мазкур китобларнинг дунёга келиши хусусида муаллиф батафсил сўзлаб берди. Эл таниган олимлар Ғайбулла ас-Салом, Фатхулла Зикриллаев, Бегали Қосимов, Асомиддин Уринбоевлар ушбу рисолалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маънавият - ҳаётий зарурият. Бинобарин, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий каби жуда кўплаб буюк алломаларимиз мероси ана шу зарурият сарчашмаларидир.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Улуғлар сабоғи
4-бет

Алломалар гурунги
4-бет

Ўқитувчи ёш дафтарига

ҲИНДУЛАР ЎЙИНИ

Маълумки, баскетбол ватани АҚШ ҳисобланиб, бу ўйин 1891 йилда пайдо бўлган дейишарди. Мексиканинг Чяпас вилоятида изланишлар олиб борган америкалик ва канадалик археологлар эса, жуда нодир ёдгорликни топишди. Бундан 3400 йил муқаддам қурилиб, майя ҳиндуларининг спорт билан шуғулланганлигидан далолат берувчи бу топилма ҳозирги баскетбол ўйини шартларига мос тушувчи иншоотдир.

УЗОҚ ЯШАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Профессор Винченцо Мариняно раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи (Италияда) олти йиллик тадқиқот ишларидан сўнг, умрни узайтириш кўп жиҳатдан ижобий туйғуларга боғлиқ, деган тўхтамга келдилар. Ёши улғайган 450 нафар кишининг жисмоний ва ҳиссий ҳолати мукаммал ўрганилганда, меҳрибонлик ва ҳурмлик муҳитида яшаётганларнинг узоқ умр кўриш имкони ҳиссий қашшоқлик қуршовида бўлганларга нисбатан уч баробар ортиқ эканлиги маълум бўлди.

ЎЗГАРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Қадим аждодлари билан солиштирганда, инсоннят ўз антропологик белгилари бўйича жиддий ўзгаришларни бошидан кечирганлиги маълум. Олимлар фикрича, бу ўзгариш вақт ўтган сайин давом этади. Эволюцион тараққиётнинг ҳозирги суръати сақланган шароитда одамларнинг юзи тобора ясақилашиб боради, иякнинг қуйи қисми кичраяди ва кам ҳаракатлик натижасида одамларнинг юриш кўникмасида ҳам ўзгариш юз беради.

БЕМАВРИД УЙҚУНИНГ ЗАРАРИ

Статистик маълумотларга қараганда, америкалик ишловчиларнинг 56 фоизини иш пайтида қаттиқ уйқу элитади ва бундай мизғиш Америкада йилига 18 миллиард долларлик моддий зарарга сабаб бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, агар ишчи тушликдан сўнг 15-30 дақиқа мизғиб олса, ўз қувватини қайта тиклаб олади. Айни пайтда АҚШдаги баъзи компаниялар иш вақтида ишчиларнинг жиндай мизғиб олишлари учун шароит яратиб беришга киришди.

Jarayon

ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛИК САРИ

Ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар таълим тизимини ҳам тубдан қайта қуришни тақозо қилади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ушбу йўлдаги салмоқли қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, халқ таълими бўлимлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларининг очилиши ҳам таълим ислоҳотидаги муҳим нуқталардандир. Ташхис марказлари ўз ҳудудлари доирасидаги барча мактаб ўқувчиларининг соғлигини назорат этиш, уларнинг касбий тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш, касб-корга бўлган лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш ва мактабдан кейинги таълим йўналишларини белгилаш каби жуда муҳим, нафақат педагогик ва психологик, балким кенг маънода иқтисодий, сиёсий, маънавий вазифаларни бажаради. Агар ҳар бир туманда 30-40 минг, баъзи туманларда 60-70 минг ўқувчи ўқишини назарга олсак, бу фаолият жуда масъулиятли эканлигига гувоҳ бўламиз.

Сўнгги пайтларда табиатда ва жамиятда экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида болалар соғлиғи муаммоси биринчи ўринга чиқиб қолди. Ҳар хил наслий ва соматик касалликларнинг пайдо бўлиши, турли озуқаларнинг, микроэлементларнинг етишмаслиги сабабли ҳар хил органик ва юқумли касалликларнинг кўпайиши ҳаммани ташвишга солди. Соғлом авлод масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Махсус қарорлар таъсис этилди, жамғармалар фаолият кўрсата бошлади. Секин-асталик билан бўлса ҳам соғлом турмуш тарзи халқ онгига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Лекин шу билан бирга ҳар бир мактаб ўқувчисига, ҳар бир оилага тиббий хизмат кўрсатиш механизми тўла ишлаяпти деб бўлмайди. Ташхис марказлари ўз ҳудуди доирасида ҳар бир мактабни тиббий ходим билан таъминлашни назарда тутади.

(Давоми 3-бетда)

ОНА ТИЛИМ

Камалак мисоли рангин даҳримсан,
Гоҳи сокин, гоҳи жўшқин наҳримсан,
Дустларга шаҳдиму душманга заҳрим,
Дурру инжуга бой теран баҳримсан.

Улуғ устоз чекиб қанча ранж, алам,
Ўз элин айлади мумтоз, якқалам.
Бино қурди сендан улкан, муҳташам,
Навоий меъморлик қилган шаҳримсан.

Ҳар ерда шай ўткир, олмос яроғим,
Мужгон бўлиб қуриганим — қароғим,
Зулмат ичра адашганда чироғим,
Толиқсам қувватим, сабот, сабримсан:

Сен менга онамдай азиз, муҳтарам,
Сенда илк сўзимни тингламиш онам,
Сенда пичирлагум сўнгги сўзим ҳам,
Илк бешигим, сўнгги сўзим, қабримсан!

Мирза ҚАЙНАРОВ

Tajriba-sinov maydonchalarida

ФИКР ВА НУТҚ УЙҒУНЛИГИ

Ҳар бир мамлакатнинг ўзлиги, қиёфасини белгилаб турадиган номи, давлат рамзи, байроғи, мадҳияси ва давлат тили бор. Кишилик жамиятида унинг ўрнини босадиган ҳеч бир восита йўқ. Барча инсонлар ўз фикрини қарашлари, мақсади, тафаккурини биргина тил орқалигина баён этишади. Демакки, ҳар бир мутахассис, касб-ҳунар эгаси биринчи галда тил қонуниятларини пухта билиш, фикрни жонли, аниқ, лўнда, тушунарли ифодалаш кўникмасини эгаллаши зарурият. Бусиз етукликка эришиб бўлмайди. Табиийки, бунинг учун мустаҳкам асос ўрта умумтаълим жараёнида қўйилади. Ўқитувчи келажагимиз эгасини шу тилнинг сеҳрли, бетакрор, имконияти чексиз оламига етаклаб киради...

Она тили фанидан янги ўқув дастури режаси ва дарслигини синовдан ўтказиш бўйича республика тажриба маркази - Бухоро шаҳридаги ҳар томонлама давр талаби даражасида жиҳозланган 9-мактабда амалга оширилаётган ишлар билан танишаётиб, беихтиёр хаёлимдан шундай фикрлар кечди.

Марказ директори Муҳиба Сатторовани 7-синфга ҳозиргина дарс тугаган хонада учратдик. У дастур ва дарслик муаллифларидан бири – Бухоро Давлат университети профессори, таниқли туркшунос олим, республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан умумий ўрта таълим ўқув дастурларини ислоҳ қилиш, синаб кўриш ва амалда жорий этиш бўйича комиссияси аъзоси Ҳамид Неъматов билан ўзаро фикрлашиб турган экан. Кенг ва ёруғ синф хонасига назар ташлаб, биз одатда кураверишдан кўникиб, таомилга айланиб қолган, тасаввуримиздагидан ҳийла бошқачароқ манзарани кузатдим. Икки томонга столлар қатор жойлаштирилган. Уларнинг атрофида тўрттадан стул. Столлар устида «Узбекистон», «Қалдирғоч», «Истиқлол», «Ҳумо», «Бухорои Шариф» сингари ёзувли лавҳачалар.

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI ☎ MMM

AYOLLIK MAS'ULIYATI

Ayni shu mavzuga bag'ishlangan bahs-munozara Chust tumanidagi 4-maktab xotin-qizlar jamoasi tomonidan tashkil etilib, unda o'qituvchilar va o'qiuvchilar ishtirok etdi. Tadbir o'z mohiyatiga ko'ra ayolning oila va jamiyatdagi o'rni, ta'lim va tarbiyadagi mas'uliyatini ifoda etdi. Ayniqsa, «Ikki oila - ikki muhit» kabi sahna ko'rinishlari hayotiy misollardan barchani jonli munozaralarga undadi. Bir oila bekasi bo'lish arafasidagi yuqori sinf qizlarini qiziqtirgan savollarga oila bekalari va murabbiyalar javob berdilar.

R. KARIMOV

LITSEYDA «TIL BAYRAMI»

Toshkent Sharqshunoslik instituti qoshida yaqindagina tashkil etilgan Tarix va sharq tillari litseyida «Til bayrami» o'tkazildi. Litseyning ingliz, arab, fors va hind guruchlarida bilim olayotgan talabalari ishtirokidagi chiqishlar tadbirga o'ziga xoslik baxsh etish bilan birga ularning sharq tillari bo'yicha bilimlarini ham namoyon qildi.

N. USMONOV

«A'LO»GA BAHOLANDI

Dang'ara tumanidagi «Zumrad» nomli 4-bolalar bog'chasida «Bolalar ongini rivojlantirish va maktabga tayyorlash tayanch dasturi»ni sinovdan o'tkazish yuzasidan respublika seminari bo'lib o'tdi. Anjumanda ishtirok etgan O'zbekiston Respublikasi XTBning maktabgacha ta'lim bo'limi mutaxassisi M. Rustamova, «Boshlang'ich ta'lim» jurnali bosh muharriri Z. Shokirova, viloyat xokimi o'rinbosari F. Azimov va viloyat XTB mudiri T. Qurbonovlar tomonidan ushbu muassasa faoliyati «a'lo»ga baholandi.

T. TUSNAZAROV

HOMIYLIK SHUNDAY BO'LSA...

Marhamat tumanidagi O'qchi paxta tozalash zavodi ma'muriyati (direktori A. Hamdamov) o'z homiyligidagi 31-maktab o'quvchilarining ovqatlanishlari uchun bir yarim million so'm, darslik va o'quv qo'llanmalari sotib olishga 650 ming so'm pul o'tkazishdi. O'quv yili boshlanishida bu maktab «O'zdavpaxtasanoatsotish» uyushmasidan bitta «Damas» avtomobili va 8 ta komp'yuterni sovg'a tariqasida qabul qilib olishgan edi. Bilim maskaniga qilingan bunday yordam o'z samarasini berishi shubhasizdir.

A. ERALIYEV

MMM ☎ XABARLARI

ФИКР ВА НУТҚ УЙҒУНЛИГИ

(Боши 1-бетда)

— Ўқувчилар иккита топқирлар ва бола сонига қараб 5-6 та зукколар гуруҳларига ажратилиб, ўтилган мавзу бўйича такрорлаш дарсини ўқидилар, - деб изоҳ берди Муҳиба Тўхтахўжаевна нигоҳимиздаги ажабланишни илғаб. - Синовдан ўтказилаётган дастур ва дарсликда турли тавсиялар берилган. Мунозара, мусобақа, семинар сингари ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланамиз. Асосий мақсад, ўқувчилар нутқини ўстириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Мана, ҳозирги ўтилган дарсни олиб кўрайлик. Болалар ўз гуруҳларининг номини изоҳлаш орқали матн яратишга, ўйлашга, фикрини ифодалай олишга ўрганади. Дарсни катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб, ўзаро савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ташкил этиш эса болаларни ўз устида ишлашга, бошқа тенгдоши олдида мулзам бўлиб қолмаслик учун пухта тайёрланишга, қолаверса синфдошини саволга тутиш учун мавзуга чуқурроқ кириб боришга мажбур қилади. Столлар ўтиладиган мавзуга қараб баъзан қуриб турганингиздай, баъзан айлана тарзида, баъзан кетма-кет қўйилади.

— Синовдан ўтказилаётган дастур ва дарсликнинг устувор жиҳати ҳам шунда, - дея суҳбатни давом эттирди Ҳамид Ғуломович. - Таълим усулига тамомила янгича ёндашилган. Дарс жараёнида ўқувчининг таълим субъекти эканлиги таъминланган. Ўқувчига билим олишга эҳтиёж вазияти туғдирилган ва шу усул орқали ижодий фикрлашни ривожлантириш, унинг маҳсулини ёзма ва оғзаки шаклларда аниқ ва равон, бир неча кўринишларда ифода этиш кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тўғри, олдинги дарсликда ҳам нутқни ривожлантириш масаласи қўйилган.Лекин дидактика шуни кўрсатдики, фикрлаш қобилиятини ривожлантирмай туриб нутқни ўстириш қийин кечади. Таъбир жоиз бўлса, ижодий фикр бир уруғ, нутқ унинг униб чиққан ҳосиласидир. Пуч ва яхши етилмаган уруғдан бенуқсон кўчат унмайди, шунинг учун, аввало, ўқувчининг фикрлаш кўникмасини кескин ўстиришга эришиш зарур.

Аввалги тил дарсликларидаги муайян кемтикликлар ҳақида бугун гапирилаётгани йўқ. Бу масала ўзбек тили ўқитувчиларининг 600 нафардан кўпроқ вакили иштирок этган республика доимий анжуманида, 1991 йилдаёқ кенг қуламда ўртага ташланди. Шундан сўнг 8 вариантда муаллифларнинг номсиз муқобил дастурлари эълон қилинди. Амалда қўлланиб, вақт синовидан ўтди. Ниҳоят фан ўқитувчилари ҳозир синовдан ўтказилаётган ўқув дастурини қабул қилдилар. Дастлаб узаги профессорлар Ҳамид Неъматов ва Асқар Ғуломовлар томонидан яратилган дастур амалиётчилар - республика Таълим маркази директорининг ўринбосари Муҳаббат Абдураҳимова ва Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими услубхонаси мудири Бахшанда Қобиловалар ҳамкорлигида «Узбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» (1993) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997) асосида янада тўлдирилиб, қайта жиддий ишланди.

Она тилидан ўқув дастурлари синовдан ўтказилаётган Бухоро вилоятидаги 30, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги 16 таълим даргоҳини ирмоқларга қиёсласак, 9-мактабни улар қўйилаётган дарёга менгзаш мумкин. Негаки, мазкур таълим-тарбия ўчоқларидан бу борада олиб борилаётган ишлар, амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазалари, жараённинг ижобий ва кемтик жиҳатлари юзасидан ҳар ойда икки марта маълумотлар шу ерда тўпланади. Таҳлил қилинади. Айни пайтда уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб борилади. Ўз навбатида бу маълумотлар атрофлича ўрганилиб, умумлаштирилиб, Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари республика илмий-тадқиқот институти ҳузурида ташкил қилинган ахборот марказига бериб борилади. Шунинг учун ҳам бу даргоҳ марказ мақомини олгач, мутахассислиги она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган, тизимда катта тажриба орттирган, сўнгги 4-5 йил мобайнида вилоят халқ таълими бошқармасида етакчи мутахассис вазифасида самарали ишлаган Муҳиба Сатторова унга раҳбар қилиб тайинланди.

—1,5 миллион сўмлик турли жиҳозлар билан янада бойитилди. 2,6 миллион сўмга замонавий компьютер синфи олинди. Мазкур компьютерларга синов дастурлари киритилган. Яқин орада дарсликларни киритиш ҳам ниҳоясига етказилади. Бу ишда Бухоро Давлат университети талабаларининг ёрдами катта бўлаётир.Албатта, синов жараёнини бевосита жойларда фан ўқитувчилари амалга оширадилар. Бунинг учун, аввало, муаллимнинг ўзи ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлиши зарур, нафақат бу даргоҳдаги, балки бутун вилоятда, республикамизда синовга жалб қилинган фан ўқитувчилари вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институтида, Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институтида қисқа курсларда таҳсил олдилар. Дарслик муаллифлари бир қатор вилоятларда бўлиб амалий машғулотлар ўтказдилар. Ана шундай пухта ҳозирликдан сўнг мамлакатимизнинг бир қатор умумтаълим даргоҳларида ўлкан масъулиятли ишга киришилди. Марказда синов сабоқлари омилкор ўқитувчилар Муҳиба Сатторова, Саломат Абдуллаева, Тўлқин Асадовлар билан бир қаторда дастур ва дарслик муаллифлари — профессор Асқар Ғуломов, Бахшанда Қобиловалар томонидан олиб борилаяпти. Сабоқларда синалаётган дастур, дарслик, давлат таълим стандартлари ва рейтинг тизими талаблари асосида ташкил этилмоқда.

—5-7 ноябрь кунлари бу ерда республика Таълим маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз бўйича она тилидан тажриба-синов ишлари олиб бораётган омилкор ўқитувчиларнинг семинар ўқишларини ташкил этяпмиз, - дейди профессор Ҳамид Неъматов. — Вазирлик таклифига кўра семинарда амалдаги дастур ва дарсликлар муаллифлари (профессор М.Асқарова, доцент И.Абдуллаев) она тилидан бошқа дастур ва дарсликлар муаллифлари (профессорлар А.Ҳожиев, А.Нўъмонов), таниқли услубшунослар қатнашиши кўзда тутилган.

Мақола ёзиш ниятида борганлигимизни билганлиги учун ҳам суҳбатдошимиз, омилкор ўқитувчилар ўзлари билан дискет олиб келсалар, айни муддао бўларди, уларга синов дарсликларини ҳам компьютердан кўчириб берардик, деган фикрларни ҳам қўшиб қўйишимизни илтимос қилди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Бухоро вилоят халқ таълими ходимларининг «Бухоро муаллими» газетаси муҳаррири

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Абдулла ОРИПОВ



Ёш ва билимдон муаллима Нодира Насриддинова пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 75-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Муаллима ўз меҳнатлари натижасида шогирдлари қалбида меҳр, ҳамкасблари орасида ҳурмат топди. Суратда: Нодира Насриддинова шогирди Муминжон Муйдиновга фан сирларини ўргатмоқда.

Р. Альбеков олган сурат

МАКТАБДАГИ МАРОСИМ

Ҳамза туманидаги республика мусиқа мактаб-интернатида Тил байрами бўлиб ўтди. «Она тилим — жон тилим» деб номланган бу тадбирни шу маскан директори Машкура Каримова очди.

Биринчи тоифадаги она тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилором Пармонова ҳамда тарбиячи Анора Шодмонова бошчилигида байрамга тайёргарлик кўрган ўқувчилар тил ҳақидаги шеърлар ва мақоллардан ёд айтдилар. Рус синфлари ўқувчиларининг ўзбек тилидаги бийрон талаффузлари кўпчиликни ҳайрон қилди. Санъатга ошуфта болалар эса ўзбек мумтоз шеърларига ўзлари басталаган куйлар асосида қўшиқлар куйладилар.

Мактабнинг катта залига тўпланган ўқувчи ва устозлар, шунингдек республика Халқ таълими вазирлигидан келган меҳмонлар тадбир дастурини завқланиб томоша қилдилар.

Дилобар ЭРГАШЕВА

Бугун — англаш лаҳзаси. Нимани англаш?.. Аввало шу саволнинг ўзини, масъулиятини, моҳиятини.

Кеча республика Таълим марказида бўлиб ўттан бир йиғинда беихтиёр ушбу мушоҳадалар кўнглимдан кечди. Анжуман бугун учун, яъни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кунинг 9 йиллик байрамига атаб уюштирилган эди.

Тил ўз ижодкори — миллатининг ҳимоясига муҳтож. Тил бор, миллат бор. Шу ақидага суяниб айтиш мумкинки, бугун бизнинг ўз тилимиз бор. Демак, биз бормиз. Демак, миллатимиз бор.

Анжуманда шу маънодаги ҳақ ва ҳароратли фикрлар айтиб ўтилди. Бу фикрларнинг муаллифлари профессор Ғайрат Шоумаров, «Ўзбек тили тараққиётининг омиллари» мавзуида маруза қилган Тошкент Давлат университетининг кафедра мудири, доцент Абдурозиқ Рафиев, жозибали ашъорлари билан гулдурос қарсакларга сазовор бўлган шоир Йўлдош Сулаймон, ХТВ мактаблар бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова, «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Раъно Толипова ва бошқалар эди.

ТИЛ БОР — МИЛЛАТ БОР

Маърузага чиққанлар тилимиз тарихи, унинг жозибаси, босқичлари ҳақида айтар экан, ҳақли равишда бугунги муаммолари устида ҳам фикрларини баён этишди.

Ушбу жумлаларни ўқир экансиз, сезиб турибманки, сизда «Значит,бугун тилимизнинг муаммоли томонлари ҳам бор экан-да« деган савол туғилди. Энди ростини айтар бўлсам, сизнинг ушбу саволингиз ҳам, ўзингиз ҳам буғуннинг муаммоси. Токим, тилимиздан ажнабий сўзлар «бадарға» қилинмас экан, бу муаммо кундан-кун «семириб» бораверади.

Дарҳақиқат, анжуман давомида жўяли мулоҳазалар айтилиши билан бир қаторда ўқувчиларнинг бадиий чиқишлари, саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди. Бундан хулоса маълумки, йиғилиш янада кўтаринки руҳ ила интиҳо топди.

Алишер НАЗАР

"Aks-sado"ga aks-sado

КЎНГИЛ ДАРЁСИНИНГ ГАВҲАРИ

Ойнаи жаҳон орқали кузатган бўлсангиз, «Акс-садо» кўрсатувининг навбатдаги меҳмонлари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари бўлдилар. Уларнинг она тилимиз ҳақидаги фикрлари, айниқса, корейс миллатига мансуб йигитчанинг ўзбек тилида бурро-бурро гапириши эътиборимни тортди. Йигитчанинг ўзбек тилига ҳурмат билан қараши, «Мен корейс миллатиданман, аввало, ўз тилимни ўрганаман, аммо Ўзбекистонда яшаётганим учун ўзбек тилини ҳам ўрганишим керак. Синфимизда бир ўзбек бор, у ўз тилини билмайди, мендан ўзбек тилини ўрганяпти» дейиши бутун вужудимни титратиб юборди. Бошқа миллат вакили тилимизни севиб ўрганса, рус қизлари ўз фикрини ойнаи жаҳонда эркин баён этса-да, ўзбекман деб юргувчи айрим ёшларимиз ўз она тилини ўзгалардан ўрганса!..

Томирида Навоий, Бобур, Темурдек даҳолар қони жўш уриб турган бугунги ёшларимиз ўзбек тилидаги назмни тушунмай, насрий баёни билан танишиш кифоя, ёки Тўнюқуқ, Билга Ҳоқон илк туркий ёдномаларнинг мазмунини тушуна олмаса, «Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги қўшиқларнинг таржимасини ўқисак бўлмайдими», деса кимни айблаймиз?..

Шу йил бошларида туманимиздаги 258-мактабда чўлпонхонлик бўлиб ўтди. Рус гуруҳларида ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчи Гули Акромова бошчилигида рус қизларидан иборат мақом гуруҳи тузилган экан. Улар дўппи, атлас кўйлак кийиб, бошларини кўйга монанд тебратиб, Чўлпон, Бобур ғазалларини қўшиқ қилиб шундай куйлашдики, йиғилганлар уларни сел бўлиб тинглашди. Ғазалларни аруз вазнида шундай бир ҳарорат, оҳанг билан ўқишдики, манаман деган она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ҳам лол қолишди.

Ҳўш, бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини шундай ҳурмат билан ўрганишаётган экан, ўзимизнинг бу тилга муносабатимиз қандай бўлаётир? Шоир Миртемир улуғлаган «Чўпонларнинг қамиш байти, чилдирманинг дариллаши, Ғуруғлининг алп сиймоси, Алпомишнинг даъвосидан туғилган» она тилимиз келажак авлодимиз томонидан қандай ўрганилмоқда? Соф инглиз тилида гапираётган айрим ёшларимиз ўз она тилида ҳам равон сўзлай олармиканлар? Ўз нутқида марҳамат, ташаккур, лаббай, ҳўш келибсиз сўзларини билишармикин?

Афсуски, йўқ. Бунинг сабаби эса биз катталарга бориб тақалади. Кузатган бўлсанғиз, кўпчилигимиз телефон дастагини «Алло» деб кўтарамиз. «Лаббай» деган чиройли лутфли сўзимизни унутиб қўямиз. Кўчаларда ҳамон русча эълон ёзувларига кўзимиз тушади, аммо бепарвомиз. Рус ўғил-қизлари ўзбекча шеърларни, қўшиқларни айтишяпти, ўзбек йигит-қизлари эса «Шашмақом», «Муножот»дан бебаҳра қолиб, «Ҳабибий», «Араваси бор». «Ринна» каби «замонавий» ашулаларга рақс тушишаяпти...

Халқимизда шундай нақл бор: ўз қадрига етмаган, ўзганинг қадрига ҳам етмайди. Биз, аввало, ўзимиз она тилимизни севиб ўрганайлик. Оҳори кетмаган, гўзал сўзларимиздан, нутқимиздан фойдаланайлик! Зеро, «Кўнгил дарёсининг гавҳари тилдир, тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир» деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

«ДИЛДА ИШТИЁҚ БЎЛСИН!»

Бу 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор Иломон Муҳаммедовнинг фикри. У киши табобат ва тилнинг бир-бирига қон томирлари сингари боғлиқлиги, бўлғуси шифокорнинг бемор билан мулоқотида Давлат тилининг нечоғлиқ аҳамият касб этиши хусусида мухбиримизга қуйидагича ҳикоя қилиб берди.

—Институтимиз ҳудудини кичик бир шаҳарчага қиёслагим келади. Эски ғиштин бинолар, сўлим хиёбонлар, азим дарахтлар атрофида илм-маърифатнинг унсиз шарпалари кезиб юрганга ўхшайди. Бу ерда талабалар, ўқитувчи-профессорлар, хизматчилар, тадқиқотчилар ҳар кун, ҳар дақиқа бир нарсага эҳтиёж сезадилар. Бу уларнинг бир-бирлари билан сўзлашиш имконидир. Демак, инсонларнинг бир-бирини тинглаши, тушуниши ёки ўз фикрини ифода қилишида тилнинг беқиёс хизматини инкор этолмаймиз.

Табобат соҳаси ва ёш мутахассис. Тил ва бўлғуси шифокор. Буларни бир-биридан айрича талқин этиб бўлмайди. Чунки барча соҳа сингари шифокорларнинг бемор билан мулоқотида тил «қуприк» вазифасини ўтайди. 40 фоиз талабаларимиз ўзга миллат вакили. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, уларга ўзбек тилида сўзлашиш маданиятини ўргатиш муҳим босқич ҳисобланади. 1990 йилнинг сентябрь ойида институтимизда ўзбек тили кафедрасининг очилишини қувонч билан таъкидлашим мумкин. Бу «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишига нисбатан институтнинг акс-садоси бўлди. Кафедра ташкил этилгандан бери унга филолог Барнохон Ўтбосарова мудиралик қилиб келмоқда.

Ҳўш, кафедра талабаларга ўзбек тилини ўргатишга қандай ёндошмоқда? 1-2 курс талабаларига 108 соатлик ўзбек тили машғулотларининг жорий этилиши албатта кимгадир имкон беради, кимгадир ҳеч нарса бермаслиги мумкин. Тил ўрганишга, аввало, одамда хоҳишдан ташқари кучли иштиёқ ҳам бўлиши керак. 72 соатлик факультатив машғулотларни олиб борувчи филологларимиз талабаларни қизиқтирган масалаларни ўргатишга камарбасталар. Бемор билан суҳбатлашиш, унинг касаллигига доир саволлар бериш, ташхис қўйиш, даволаш ва ҳоказо жараёнларда шифокорнинг уқувлилиги, билимдонлиги қанчалик катта роль ўйнаса, тил билиш маданияти ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас.

Ўзбек тилини фақат пастки курсларда ўқитиш ва ўргатиш билан кифояланиш, менимча етарли эмас. Ҳеч бўлмаганда 3-4 курсларда ҳам ўқитилса, тилимизнинг мавқеи, обрўсини янада оширган бўлардик.

Талабаларимиз орасида кишининг ҳавасини келтиргудек даражада ўзбекча гаплаша оладиганлари борки, улар билан фахрланишга ҳақлимиз. Даволаш иши факультетининг 225-рус гуруҳи талабаси Татьяна Семендеева, шу факультет 114-гуруҳ талабалари Евгений Нитовканый, Ким Виктория, стоматология иши факультетининг 111-гуруҳидан грузин миллатига мансуб Нини Цехладзелар қойилмақом даражада ўзбек тилида сўзлаша олишади. Фикрларни ифода қилиш бобида улар айрим ўзбек талабаларини доғда қолдиришларига тан берганмиз. Айрим ўзбек талабалари деганда, мен ўз тилини билмайдиган ва бу тилда гаплашишдан ор қиладиган, ғўёки бу билан ўзини етти қават осмондаги фаришта сингари ҳис қилувчи, кибру ҳавога берилган ўғил-қизларни назарда тутяпман. Таассуфлар бўлсинки, бошқа миллат вакиллари олдида бу биз учун жуда уятли ҳодисадир.

Институт ректоратининг ойига икки маротаба чақириладиган йиғилишлари, илмий кенгашлар, учрашув ва семинарлар албатта давлат тилида олиб борилади. Ҳужжатлар ҳам ўзбек тилида тўлдирилади. Уюштириладиган тадбирлар ҳам ўзбек тилида. Ҳар йили «Тил байрами»ни уюштириш бизда одат тусига кирган. Бу йилги байрамга гапнинг тагидан гап олиб чиқувчи қизиқчи Ҳожибой Тожибоевни таклиф этганмиз. Бир мириқиб кулмоқчимиз, унинг мухлислари бизга марҳамат қилишсин, кўнгиллари ёзилиб кетади!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг айтишича, Туркия Сурияга курд бўлгинчилар гуруҳи ПКК ни қўллаб-қувватлашини тугатганлигини исботлаш учун охирги имкониятларни беради. Жаноб Демирэл бу ҳақда Сурия билан чегара яқинидаги вилоятларнинг бирида Сурия ва Туркия ўртасидаги танглиқни мубоҳаса қилиш учун икки томон расмийлари учрашувидан аввал айтган.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Косоводаги этник альбан қочқинларига ёрдам ортилган икки машина карвонини жўнатиш масалаларини орқага сурган. Сабаб-Косовода яна авж олиб кетган қуролли тўқнашувлар.

* * *

Тожикистон Миллий ярашув комиссиясига мухолифат томонидан янги шахс белгиланган. 1989 йили Ислом уйғониш партиясини ташкил қилган Муҳаммад Шариф Ҳимматзода комиссияда юридик масалалар бўйича гуруҳни бошқаради. Ҳимматзода сентябрь ойида ўлдирилган Отахон Латифий ўрнига тайинланган.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ТошДУ қошидаги Олий Педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ва Республиканинг Олий ҳамда махсус ўқув юртлари, коллеж ва лицейлардан ўз малакасини ошириш учун келган бир гуруҳ тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири, доцент Б.Х. Умрзоқов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси академик Ш. А. АЮПОВ билан мароқли учрашув ўтказдилар. Б.Х.Умрзоқов ижтимоий муҳофаза, ижтимоий таъминотнинг аҳамияти ҳақида гапириб, таълим соҳасида ижтимоий кафолатни таъминлаш зарурлигига тўхталди.

Академик Ш. Аюпов кадрлар масаласи ҳақида гапирар экан, Миллий дастурнинг аҳамиятини чуқур шарҳлади. Шу маънода педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни ўз вақтида аттестациядан ўтказиш лозимлигини таъкидлади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш, илмий даража ва унвонларни бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида ҳам маърузачи алоҳида тўхталиб ўтди.

Учрашувда савол-жавоблар ҳам бўлди.

МУХБИРИМИЗ

МУНАВВАР ЙЎЛ

Республикамизда фалсафа ва динга доир фанларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш олим ва маҳоратли муаллим Анвар ака Абдусамедовни кўпчилик яхши билади.

У халқ таълими тизимида ўқитувчи, туман халқ маорифи бўлими инспектори ва мактаб директори бўлиб хизмат қилди. Илму фан сирларини билишга зўр қизиқиш Анвар акани Тошкент давлат университети фалсафа кафедрасига аспирант бўлишга етаклади ва уни тугаллаганидан сўнг муаллим, кафедра мудири лавозимида ишлади. У 1975 йилда фалсафа фанлари доктори, профессор илмий даражасига эришди. Ҳозирда ТошДУ фалсафа факультетининг декани бўлиб келаётган профессор А.Абдусамедов фалсафа ва диншунослик бўйича икки юзга яқин илмий-назарий ва илмий-услубий асарларнинг, улар қаторида уч рисола, олтита ўқув қўлланмаси, ун иккита илмий-оммабоп китоблар яратди. Айниқса, унинг раҳбарлигида ёзилган «Диншунослик» (Тошкент, 1995) дарслиги алоҳида эътиборга сазовордир. Кейинги йилларда заҳматкаш олимнинг мақолалари Россия ва Испанияда нашр этилди. У ислом дини ҳақидаги бир неча китобларга масъул муҳаррирлик қилди. Анвар ака талаба ва аспирантларнинг севимли устози — 25 та фан номзоди ва 4 нафар фан докторига илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилди. Юртимизда юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Профессор А.Абдусамедов жамоатчилик ишларида ҳам фаол. Ҳозир Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги уқув-услубий кенгаш раисининг муовини, фалсафа жамияти раёсатининг аъзоси, ТошДУ қошидаги фалсафа фани бўйича ихтисослашган Кенгаш раисининг муовини ва ТошДУ илмий кенгашининг аъзосидир. У Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг фахрий ёрлиғи, вазирликнинг бир неча фахрий ёрлиқлари ва ТошДУнинг «Юксак хизматлари учун» нишони билан мукофотланган. Анвар ака ҳозир ҳам ёшлардек тетик, катта маҳорат билан меҳнат қилмоқда. Биз унинг етмиш ёшини муборакбод этиб, бардамлик ишларида юксак ютуқлар тилаймиз.

Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

РАҒБАТ

Термиз Давлат университетида сўнгги йилларда ҳар қандайин юмушни пишиқ-пухта адо этиш одатга айланган. Буни ўтказилаётган каттаю-кичик байрамлар, турли тадбирларнинг эсда қоларли нишонланиши ва унда жонқуяр профессор-ўқитувчилар, фаол талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларининг жуда яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам бир қадар изоҳлаш мумкин.

Биргина шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 803100 сўм мукофотлар учун ва 148 000 сўм моддий рағбатлантиришлар учун сарфланди.

Университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Сайфулло Турсуновнинг айтишича илм маскани талабаларга чуқур билим бериш, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш учун ҳар доим изланишда.

Ҳурматга сазовор профессор-ўқитувчилар оиласи билан учрашувлар, ҳамжиҳатликда ўтказилган талабаларнинг никоҳ тўйлари ва бошқа турли тадбирлар жамоанинг катта бир тотув оила бўлиб шаклланаётганлигини кўрсатди. Зеро, булар ҳали қилинажак ишлар дебочаси экан.

Р.БОЙМАТОВ

«DOZ-TUR LTD»

ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Жамоаси
барча ўзбекистонликларни,
табаррук айём муносабати билан
юртимизга ташриф
буюрган хорижлик
меҳмонлар ва ватандошларни
Ислом динининг ёрқин
намоёндаси
Имом ал-Бухорийнинг
ҳазратларининг 1225 йиллик
тўйлари билан самимий муборакбод этади.

Мамлакатимизнинг маънавий
камолотини Оллоҳ таоло
бундан ҳам зиёда қилсин!



O'ZBEKISTON — TABARRUK ZAMIN!

Akrom

(Боши 1-бетда)

ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛИК САРИ

Мактаб врачи ёки ҳамшираси ҳар бир мактаб ўқувчисининг соғлиғи ҳақида ахборотга эга бўлади, уларни соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқади, йилида бир марта 1-9 синф ўқувчиларининг тиббий кўрикдан ўтишларини ташкил этади. Носоғлом болалар, уларнинг оила аъзолари билан ишлайди ва ҳ.к.

Ташхис марказининг дефектологи ҳам мактаб тиббий ходими, психологи, ўқитувчилари ва ота-оналар ёрдамида нуқсонли ривожланишга эга бўлган болаларни аниқлаш, тегишли моддий, маънавий, педагогик, психологик, ижтимоий ёрдам ва ҳимоя чораларини кўришдек муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажаради.

Туман ташхис марказларининг энг муҳим вазифалари мактаб ўқитувчиларининг касбий қизиқишлари, интилиш ва ҳаваслларини ўрганиш, уларнинг лаёқат ва касбий йўналишларини аниқлаш, илмий асосланган ҳолда ҳар бир битирувчи ўқувчининг мактабдан кейинги таълим йўналишини белгилаш ва тегишли маслаҳатлар беришдир. Бу вазифа ташхис маркази психологининг зиммасидадир. Туман психологи ўз ҳудуди доирасидаги барча мактаб психологларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, ташхис методларини қўллашни ўргатади, ҳар бир мактаб ўқувчиси ҳақида олинган психологик ва педагогик ташхис маълумотларини умумлаштиришда, таҳлил этишда кўмаклашади. Ташхис марказидаги психологик махсус компьютер банкида ўз ҳудуди доирасидаги барча болалар ҳақида психологик ва педагогик ташхис маълумотларини олади, уларнинг касбий шаклланишини белгилайдиган маълумотлар йиғади.

Ташхис марказининг касбга йўналтирувчи мутахассис (профориентатори) асосан тарғибот ишларини олиб боради. Касблар ҳақида тасаввурлар, касбларнинг одамларга қўядиган талаблари, касбларга бўлган эҳтиёжлар ҳақида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказади. Ўқувчилар билан шу мавзуда ёзма ишлар, кўрик-танловлар, олимпиадалар, кечалар уюштиради.

Ташхис марказининг психологи ва касбга йўналтирувчининг фаолиятлари натижасида мактабларнинг ҳар бир ўқувчиси ўзининг ким бўлишини мактабдаёқ билиши, бўлажак касбий соҳасига тайёргарлик кўриши, шу соҳа ҳақида кўпроқ адабиёт ўқиши ва бошқа ахборот турларидан фойдаланиши керак бўлади.

Битирувчи синф ўқувчиси ташхис марказининг тавсияномасини олар экан, тавсияномада ташхис маркази болани тўла ўрганганги, унинг лаёқат ва қобилиятларини илмий асосланган методикаларда тўғри ташхис этгани ўз тажассумини топган бўлиши лозим.

Лекин афсуски, бу даражада мукаммал ишлайдиган ва миллий муҳитга тўла мослаштирилган, ҳар томонлама жиддий текширилган ташхис методикалари ҳали етарли эмас. Бунинг устига бор методикаларни ишлата оладиган, психологик этика ва касбий маҳоратга эга бўлган мутахассислар етишмайди. Агар 218 жойда ташхис марказлари ташкил этилган бўлса, 10000 дан ортиқ мактаблар бўлса ва ҳар бирини имкон қадар профессионал психологлар билан таъминлаш керак бўлса — бу муаммонинг нақадар мураккаб эканлиги ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолади.

Лекин ҳозир бор имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар бир ташхис марказида психолог, касбга йўналтирувчи мутахассис ва дефектолог вазифасини бажарувчи йўриқнамалар билан бирга, услубий тавсияномалар билан таъминлаш вазифаси ҳам турибди. Ҳар бир мактабда ишлатилиши мумкин бўлган эҳтиёжий зарур стандарт ахборот олиш усули, аввал обдон ўйланган, ҳисоб-китоб қилинган, боланинг маънавий ва ақлий савиясига, ёшига мос келиши тегишли баҳолаш стандарт нормаларига эга бўлмоғи керак. Бу жуда машаққатли, катта илмий салоҳият, сарф-харажатлар талаб қиладиган илмий-тадқиқий вазифалар Республика истеъдод Маркази базасида бажарилиши мақсадга мувофиқлиги бугун барчага аён.

Шунга мувофиқ биринчи навбатда 30 га яқин ихчам психологик ва педагогик тестлар қайта ишланиши, тегишли тадқиқий жараёндан ўтказилиши режалаштирилди. Лекин бу ишларни бажариш учун ғоянинг ўзигина кифоя этмайди. Бизга ёш кадрлар, жиддий тадқиқотчилар, аспирантлар керак. Муаллифлик ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда яратилган янги методикалар кўп минг нусхада «Ташхис маркази методик банки» рукни остида чоп этилади.

Худди шу маънода дефектологик хизматни йўлга қўйишни назарда тутган, нуқсонли болалар ва уларга тиббий, моддий, методик, психологик, юридик ёрдам масалалари ёритилган махсус методик тавсиялар, қўлланмаларга эҳтиёж катта.

Ташхис марказининг истиқболи, серунум фаолияти фақатгина ташхис марказининг ўзигагина ёки унинг ходимларигагина боғлиқ эмас. Бизда ҳозиргача ташхис иши билан шуғулланган илмий мактаб бўлмаган. Айнан мана шу маънода барча ташхис марказларининг илмий ва методик таъминоти билан шуғулланиш, уларнинг фаолиятларини республика бўйлаб мувофиқлаштириш, ходимларининг малакасини мунтазам равишда ошириб боришни назорат этиш мақсадида бир эмас, бир нечта илмий-методик ташкилотлар шуғулланиши лозимлиги аниқ сезилиб қолди. Ташхис марказларининг энг долзарб муаммолари — психологик, дефектологик хизмат ва касбга йўналтириш масалалари, касбий ташхис методикалари яратишдан иборат бўлган кенг қамровли, мураккаб илмий-амалий вазифалар Республика истеъдод Маркази зиммасига юклатилади. Шу муносабат билан, истеъдод муаммоларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқий лабораторияларининг вазифаларига янги тус ва мазмун берилади ва таркибан уларнинг фаолиятлари ташхис марказларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Ташхис марказлари тизимининг халқ хўжалигига, унинг истиқболли тараққиётига салмоқли улуш сифатида кўзга ташланадиган ҳиссаси — ёшларни онгли равишда, ўз истак ва ҳоҳишларига, лаёқат ва қобилиятларига қараб у ёки бу касбий соҳага йўналтиришдек муҳим илмий-фундаментал ва амалий жиҳатдан ўта самарали жараён билан белгиланади. Аввало, ёшларнинг мактабдаёқ ўз касбий лаёқат ва майлларини теран англашига кўмаклашиш, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мактабдан кейинги таълим соҳаларига йўналтириш — ижтимоий жиҳатдан жуда зарур, оқил ва халқпарвар сиёсатнинг амалга ошишидан далолат беради.

Мактабда ҳар бир боланинг руҳий ва жисмоний ривожланишини мактаб психологи махсус стандартлаштирилган методикалар орқали кузатиб бораркан, юзлаб, минглаб болалар ҳақида уларнинг таълим жараёнидаги ўзига хос ўзлаштириш усуллари, ютуқ ва камчиликлари, қизиқиш ва интилишларининг савияси, динамикаси, эътиқодлари ва ҳаваслари, ақлий қобилиятлари, лаёқат ва устувор мотивлари ҳақида йиллик маълумотлар тўплайди. Йиғилган бу маълумотлар (банки)ни минтақавий, жинсий ва ёш жиҳатдан табақалаб махсус таҳлил этсак, эртага миллатнинг истиқболий тараққиётини ўз қўллари билан амалга оширадиган бугунги ёшларимизнинг ақлий ва касбий салоҳиятлари, потенциал имкониятлари ҳақида илмий маълумотлар олган бўламиз. Шу вақтгача фақат ақлий истеъдод соҳасида қилинган минтақавий таҳлилларимизга қараганда бир неча баробар тўлароқ бўлган бу маълумотлар мамлакат тараққиётини белгилайдиган кадрлар таркиби, улкан ақлий салоҳиятга эга бўлган алоҳида шахслар, минтақавий хислатлари билан ажралиб турадиган қобилиятли ёшларни ажратиб олиш имкониятини беради. Илмий асосланган ташхис методлари мактабларнинг қуйи синфларидан бошлаб ишлатилади, улардан олинган кўп йиллик маълумотлар илмий таҳлилдан сўнг, боланинг қизиқиш ва интилишларини лаёқат ва қобилиятларини, касбий йўналишларини белгилайди. Бу эса ўз навбатида болага, унинг ота-онасига онгли равишда, асосланган ҳолда у ёки бу касбий соҳани билиб, танлаш имкониятини беради.

Равшанки, ташхис марказлари — янги йўналиш. Демак, у яна бойиши, такомиллашиши табиий. Бинобарин, бу борадаги таклиф-мулоҳазалар биз учун айни муддао бўлади.

Ботир ҚОДИРОВ,
Республика истеъдод Маркази директори, психология фанлари доктори, профессор

Yaxshilar oramizda

МЕҲНАТНИНГ ПИРОВАРДИ

Ҳовлисида кўм-кўк манзарали ва мевали дарахтлари кўп бўлган илм масканига қадам қўйишингиз билан дилингиз айрича яйраб кетади.

Пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика билим юртига кириб борар экансиз, сизда худди шундай ҳис-туйғулар пайдо бўлиши табиий. Зеро, бу ердаги икки мингдан зиёд мевали, манзарали дарахтларнинг ҳамда билим юрти гулзоридаги гулларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилади, меҳр билан парваришланади. Таълим масканидаги ушбу гўзал табиат оламини яратувчи барча эзгу ишларга, ўқитувчилик касбига ёшликданоқ юксак меҳр қўйган, бутун ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган моҳир педагог, шу кунларда ўзининг қутлуғ 70 ёшини қаршилаётган ажойиб инсон Қаҳҳор ака Абдураҳмонов бош-қош бўлмоқда.

— Педагогика билим юрти эндигина ташкил этилаётган пайтда унга махсус ажратилган 7,5 гектар ер майдонида яшил дарахтлар умуман йўқ эди,— деб эслайди Қаҳҳор ака. — Ҳозир эса уларнинг олди 20-25 йиллик тарихга эга. Уйимизнинг билим юртига яқин жойлашганлиги боис, бўш вақтимнинг аксарияти шу ерда ўтади. Ҳатто, ёзги таътил пайтида ҳам педагогика билим юрти директори Минаввар Исмоилованинг ёрдами билан 20-30 нафар талабани олиб, гулларни, дарахтларни парваришлаш, суғориш ва ободонлаштириш ишлари билан банд бўламиз.

Ҳа, бўлажак тарбиячилар ва бошланғич синф ўқитувчилари таҳсил олаётган ушбу масканда Қаҳҳор ака барчага — ўқитувчилар жамоаси ҳамда кўп сонли ўқувчи талабаларга отасидек азиз бўлиб қолган. Сабаби, ҳар йилги юзлаб битирувчиларни ҳисобга олмаганнинг ўзида, билим юртидаги 18-20 нафар ўқитувчилар домланинг шогирдларидир. Албатта, умумий педагогик стажи 50 йилдан ошган фидоий устознинг меҳнат дафтарчасида фақат иккитагина ёзув борлиги унинг дастлаб ушбу даргоҳда 1941-44 йилларда таҳсил олгани, сўнг ҳозирги Низомий номидаги педагогика университетини 1952 йили тамомлаб, яна ўзи меҳнат фаолиятини бошлаган жамоада ўқитувчиликни то шу кунгача давом эттириб, ёшларга анатомия, табиатшунослик услубиёти, қишлоқ хўжалиги асослари каби махсус фанлардан дарс бераётганлигидан далолат беради.

— Шогирдларим ўзлари танлаган ўқитувчилик касби орқали эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонишса, ҳаётда бахтли бўлишса, менга бундан ортиқ нарса йўқ, - дейди Қаҳҳор ака. — Умр йўлдошим Зулфия иккаламиз (у ҳам кимё-биология ўқитувчиси) ўқитувчилар оиласини тарбиялаб, вояга етказдик. Уч қизим ва ўғлим ўқитувчи, бир қизим эса шифокордир. Фарзандларимизга меҳнатдан топилган бахт қадрли, деб доимо ўқтириб келамиз.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифадаги ўқитувчи, «Шуҳрат» медали соҳиби Қаҳҳор Абдураҳмоновни шу кунларда 1-педагогика билим юрти жамоаси, домланинг барча ёру дўстлари ҳамда фарзандлари қутлуғ айёмлари билан муборакбод этмоқдалар. Биз ҳам домлага таваллуди муносабати билан билдирилаётган барча эзгу ниятларга қўшиламиз.

Нурлан УСМОНОВ

Anjuman

УЛУҒЛАР САБОҒИ

Табаррук тупроғимиздан Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Огаҳий, Бобур каби буюк сиймолар етишиб чиққанлигини фахр туйғуси билан гапирамиз. Лекин бу алломаларнинг ҳаёти ва ижоди билан шахсан танишишга улгурдикми? Турғунлик йилларида буюкларнинг асарлари нега атрофлича ўрганилмади? Улуғ ҳадисшунос аллома Имом ал-Бухорий асарлари ҳақида нималарни биламиз? Яқинда Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлигида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ана шу каби масалалар хусусида сўз борди. Унда мактаб директорлари, туман ҳудудидаги олий ўқув юртлари раҳбарлари, уларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовинлари, маҳалла оқсоқоллари, туман, маҳалла хотин-қизлари кенгаши раислари, жомеъ масжидлари имом хатиблари, жамоат ва турли ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Мазкур анжуманда илмий асосланган далиллар келтирилди, баъзи тушунчалар батафсил шарҳланди. Айниқса, таниқли олим Убайдулла Уватов маърузасидаги Имом Бухорий тўғрисидаги қимматли маълумотлар, кишиларни комилликка ундовчи ҳадислар йиғилганлар қалбида эзгу ҳислар уйғотди. Шунингдек, изланиш, ўрганиш ва ўқиш инсон камолотида етакчи ўрин тутиб таассуротларини кенгайтиради.

— Шу боисдан ҳам анжуманимиз икки босқичли бўлади, — деди Яккасарой тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Рашодхон Иноғомов. — Иккинчи босқич маҳаллаларда, илм масканларида, хотин-қизлар йиғинларида давом эттирилади.

Дарҳақиқат, уларда биринчи босқичдан олинган таассуротлар, қадриятларимиз сарчашмалари, ижтимоий турмушда ҳадислар, панд-насиҳатлар, ўгитлар ва анъаналаримизнинг аҳамияти тўғрисида батафсил сўз юритилади. «Улуғлар саболи» деб номланаётган бу кичик мактаблардаги йиғилишлар эрта-индин бошланадиган буюк алломалар Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий таваллудларига бағишланган тантаналарга уланиб кетади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ



«БУЮК МУҲАДДИС АСАРЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввало қуйидаги сўзларни топиб оқ-қични ҳал этинг.

1. Имом ал-Бухорийнинг илк устозларидан бири - 18, 7, 22, 1, 6, 1, 12.

2. Мусулмон оламининг муқаддас китоби - 11, 9, 5, 17, 7, 13, 19, 2, 5, 1, 20.

3. Имом ал-Бухорий асарлари ёзилган тил - 2, 5, 2, 8.

4. Буюк муҳаддис ҳадисларни ўрганиш мақсадида ташриф буюрган Арабистон мамлакатидаги тарихий шаҳарлардан бири - 21, 9, 20, 4.

5. Мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа - 10, 1, 11, 22.

6. Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолиятига оид асарлар муаллифи, ўзбек шарқшунос олими - 9, 14, 2, 3, 7, 14.

7. Имом ал-Бухорий ҳаж сафарида бўлган муқаддас шаҳар - 20, 2, 19, 19, 2.

8. Жума намозлари ўқиладиган масжид - 15, 7, 20, 16.

Энди очқичдаги жавоб сўзларидан фойдаланиб, шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Ундан буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қаламига мансуб, бизга қадар етиб келиб нашр этилган ва тарихий манбаларда маълум бўлган унта асар номини қаторлар бўйича ўқийсиз. Ушбу нодир асарлар ўзбек тилида қандай аталишини биласизми?

Ф.ОРИПОВ тузган

Xullas...

«ҚЎРҚМАС» ҲАЙДОВЧИ

20 ёшли нидерландиялик йигитни полициячилар тўхтатишди. Машинани ўта тезлик билан ҳайдаб келаётган ҳайдовчининг кўзига светофор ҳам кўринмади. Унинг тезликни оширгани, бир. Ичиб рулга ўтиргани, икки. Машина бошқаришга рухсат берувчи ҳужжати ҳам йўқ, бу уч. Автомобили суғурта қилинмаган, бу тўрт. Исми-шарифи суриштирилганда, довдираб бошқа исмни айтган, бу беш. Портфелидан эса қалбаки пуллар ва рухсатномасиз тўппонча чиққан, бу олти.

Тинтув давом этса, худо билади, ундан яна қандай жиноий унсурлар чиқар экан? Қайси юраги билан у бировнинг машинаси рулига ўтирганига полициячилар ажабланишди.

ОЛИФТАЛИКДАН КАМТАРЛИККА

Ҳозирги даврда англияликларнинг синфий ўз-ўзини англаши қай ҳолатдалиги ҳақида Британиянинг Би-би-си телерадиокомпанияси социологик тадқиқот натижаларини эълон қилди.

Буюк Британияда ҳозир ишчилар синфига мансублик урфмиш. Қуруқ олифтагарчиликдан асар ҳам қолмабди. Аввал, кўпчилик британияликлар жамиятда ўзларини юқори табақадан, яъни киборлардан деб ҳисоблашни яхши кўришарди. Энди эса тескариси. Улар ўз келиб чиқиш статусларини пасайтириб кўрсатишмоқда. Тадқиқ қилинган кишиларнинг ярмидан кўпроғи ишчилар синфига мансублигини айтишди. Ҳатто, бир дунё даромад оладиганлар ҳам «Урта синфга мансубмиз» дейишди.

ЛАБ БЎЁҒИНИНГ ТАРКИБИ

Жозиба ва латофат бахш этувчи лаб бўёғи ҳақида афсуски, хотин-қизлар кўп нарсани билишмайди. Сифатли тайёрланган лаб бўёғининг фарқига бориш ва танлашга «Медицина экспресс» хизмати ёрдам беради.

Лаб бўёғи таркибига турли ёғлар сингдирилган. Лацитин ва ланолин моддалари помада мазогини ҳамда ҳосил бўлган плёнка ёпишқоқлигини таъминлайди. Цетил спирти унинг «қаламча»сини жилолаш учун жавобгардир. Усимлик ёғлари лабда енгил «юриш» хусусиятига эга. Асалари муми эса унга чўзилувчанлик ва ялтиратиш хусусиятини беради.

Лаб бўёғининг зиёни ҳақида ҳам билиб қўйганингиз маъқул. Унинг таркибидаги моддалар тери ичига чуқур сингиб, ҳар хил тери касалликларини келтириб чиқаради. Табиблар овқатланишдан аввал лаб бўёғини салфетка билан артиб ташлашни маслаҳат берадилар.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

БИРИНЧИЛИК ҒОЛИБИ

Люксембургда «Формула-1» автопойгаси бўйича ўтказилган 49-жаҳон чемпионати якунланди. Унда барча босқичлардан муваффақиятли ўтган финландиялик Мика Хаккинен ғалаба қозонди.

МАҲОРАТ УСТУН КЕЛДИ

Бразилияликлар нафақат катта футбол, балки кичик футболнинг ҳам устаси эканлигини кўрсатишди. Футбол ўлкасининг «Атлетико Минейро» жамоаси Москвада ўтказилган мини-футбол бўйича қитъалараро кубок финалида русларнинг «Дина» жамоасини мағлубиятга учратди.

ИСТАМБУЛ САФАРИ

Истамбул шаҳрида ўтказилган кикбоксинг бўйича Европа очиқ чемпионатида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Акмал Зокиров (54 кг) кумуш, Зоир Бўраев (63,5 кг), Владислав Нам (67 кг) ва Владислав Резник (91 кг) лар бронза медалини қўлга киритишди.

СЎНГГИ ИМКОНИЯТЛАР

Футбол бўйича мамлакат чемпионатида олий табақа жамоалари 27-тур учрашувларини ўтказди. Унда: «Андижон» - «Пахтакор» - 0:1, «Сурхон» - «Насаф» - 1:1, «Темирйўлчи» - «Нефтчи» —2:3, «Сўғдиёна» - «Дўстлик» - 4:2, «Буҳоро» - «Трактор» - 2:0, «Зарафшон» - «Косонсой» -3:1, «Хоразм» - МҲСК -4:1 жамоалари беллашишли. «Металлург» - «Навбаҳор» учрашуви бошқа кунга қолдирилди.

ЮКСАЛИШ

АҚШнинг Нью-Орлеан шаҳрида бўлиб ўтган ҳалқаро турнир ёш, умидли теннисчимиз Ирода Тўлагановага омад келтирди. У барча рақибларини доғда қолдириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

Беруний: — У дунёда деганингизда бир нарса эсимга тушди. Биз Ибн Сино билан дунёлар кўплиги ҳақида, ҳатто моддий дунёнинг ўзида бир-бирига зид дунёлар борлиги ҳақида илмий мулоҳазалар қилган эдик-ку, лекин у дунё бу дунёга, бу дунё у дунёга айланганини биринчи марта пайқаб турибман. Дарҳақиқат, тириклар « у дунё» деганда бизнинг «бу дунё»ни тушунишади ва аксинча, уларнинг «бу моддий дунё»си бизлар учун ҳозир бегона «у дунёдир». Оламнинг иши шунақа чархпалак.

Птоломей: - Ҳа, зиддият бор жойда ўзгариш бўлар экан. Шу ўтиришимизда ҳам зиддиятни ҳис этиб турибман. Мен геоцентризм — ер марказ таълимоти тарафдори, Коперник эса менга қарши, гелиоцентризм — қуёш-марказ таълимоти тарғиботчиси.

Коперник: — Демак, суҳбатимиз илм соҳасида қандайдир ўзгаришга, ривожланишга олиб келар экан-да. Тўғри, «Қуёш ер атрофида айланади» деган дунёқараш билан «Ер қуёш атрофида айланади» деган дунёқараш бир-бирига тескари. Бу зиддлик тан олингани ҳолда, икки нарсага эътибор бермоқ лозим экан. Биринчиси — астрономиянинг заминини сизлар геоцентризм асосида қурдингиз, бунга бир ярим минг йил вақт сарфладингизлар. Бусиз гелиоцентризм пайдо бўлолмас эди. Иккинчиси — самовий ҳодисаларни тушунтиришда қимирламай қотиб қолган ер атрофида бутун Коинот айланади дейиш билан олинадиган ҳисоб-китоб натижаларини унинг тескарисидан ҳам олиш мумкин, чунки улар бир-бири билан боғлиқдир. Сизлар билан бизни мана шу узвий боғланиш бирлаштириб туради.

Ал-Фарғоний: — Юбилейнинг кечаги мажлисида бир маърузачининг айтиб ўтишига қараганда, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жиҳатидан қаралса, бутун дунё тортиш қонуни ва динамиканинг асосий қонунига асосланибди, бизлардан кейин. Албатта, Ньютоннинг бу қонунлари ҳам бирдан пайдо бўлган эмас, унинг заминида Галилей таърифлаган инерция қонуни ётади. Галилей ҳам, албатта, аввал ўтган олимларнинг қолдирган меросидан бевосита, гоҳо билвосита фойдаланган. Олдин эришилган ютуқ муаллифини шахсан билиш шарт эмас. Илм—билим тарихийлигининг хислати ҳам шундадир. Аҳамиятлиси, умум кўламнинг ҳосил бўлиши. Ана шундай гелиоцентрик кўламни яратганлардан бири Берунийни тушунаман. Ажабо, мана бу ерда гап кўп. Масаланинг динамикавий томони ҳам шунда.

Коперник: - Бу ерда икки нарсага эътибор бермоқ керак: 1) Ер ҳаракатда, айланади, деганлар ҳам бўлган (масалан, Филолай, Гераклит); 2) Беруний ер ҳаракат қилади, демаган бўлса-да, унинг фикрида ҳам гелиоцентризмга, ҳам осмон ва ер механикаси заминига тегишли бир фикр ётибдики, у менга, гелиоцентризм қарашчисига ҳам янгилик бўлиб туюлади. Бу фикр гелиоцентризм билан инерция қонунини биринчи марта бирлаштирди. Беруний, нима учун Сиз ўз фикрингизни тўсмол билан айттансиз?

Беруний: — Илмий фикр ҳар доим гумонсирашдан бошланади-да, ахир. Бу менинг фақат геоцентризмга гумонсирашим эди, холос. Гумоннинг, гипотезанинг, назариянинг тўғри-нотўғрилигини илмий амалиёт, кузатиш, эксперимент тасдиқлайди. Менинг гумоним, сизнинг айтишингизча, асрлар ўтиб тасдиқланибди, мен хурсанд бўлдим.

Улуғбек: — Илмий ижод, тўғри айтдингиз, гумонсирашдан бошланар экан. Бизнинг замонамизда Самарқандда шундай ҳол юз берди. Маълумки, Абдураҳмон ал-Суфий бизгача самовий жисмларни кузатиб, натижаларини бир рисолада баён этган эди. Бошқалар каби биз ҳам бундан қувондик ва бу рисолани ўргана бошладик. Бизга дарров маълум бўлдики, кўп юлдузлар ва сайёралар координаталари осмондаги аслида жойлашганига тўғри келмайди. Шу сабабдан у жадвалларга гумонсираб, ўзимиз кузатишимиз керак экан, деган хулосага келдик. Шу сабабли махсус расадхона қуриб, юлдузлар, сайёралар ва Ой ҳаракатларини кенг миқёсда ўрганишга ўтдик. Худди шундай мақсад билан Ер ва Қуёш орасидаги муносабатдан ҳосил буладиган оғиш бурчаги деб аталувчи муҳим бир миқдорнинг ўзгариб туриши, бундай ўйлаб қарасам, геоцентризм учун ҳам, гелиоцентризм учун ҳам баб-баравар аҳамиятли экан.

Коперник: — Жуда тўғри айтасиз. Бу масала билан мен ҳам қизиққанман. Ер экваторининг осмон гумбазидаги давоми бўлмиш осмон экватори билан Қуёшнинг кўринма ҳаракати туфайли осмонда чизиб ўтган айланадан иборат эклиптика орасидаги ўша Сиз айтган оғиш бурчагининг ўзи доимо ҳаракатда экан. Бу ҳаракатни аниқлаш учун, аввало, аниқ, тўғрироғи, аниқроқ ўлчаш шарт. Шу маънода Улуғбекнинг хизмати жуда каттадир. Мана, қаранглар, бу сеҳрли бурчакни ўлчашга икки минг йил давомида ўз меҳнатларини сарфлаганлар: Эратосфен, Гиппарх, Аристарх, Птолемей, Ал-Баттоний, Аз-Зарқолий, Ал-Суфий, Абул Вафо, Собит ибн Курра, Ал-Хуҳий, Ибн Юнус, Насриддин Тусий, Профаций, Улуғбек, Регисмонтан, Пурбах, Доменико...

Ал-Фарғоний: — Ва... Коперник.

Коперник: — Уларнинг ҳаммаси бурчакнинг 23 даражалигига иқрор бўлганлар, ёй дақиқасида эса ҳар хил хулосага келганлар. Бу ерда иштирок этаётган Птолемей бу масалани геоцентризм асосларидан деб билган бўлса, энг аниқ ўлчаган астроном Улуғбекдир. Хатони аниқлаш қоидасини математик Бессел ўйлаб топибди.

Ал-Фарғоний: — Улуғбекнинг бу ишга қўшган яна бир ҳиссаси бор: оғиш бурчаги ўзгармас миқдор бўлмай, доимо ўзгариб туради, йилига ярим секунд камайиб боради.

Коперник: — Бу гап тўғри. Кейинча маълум бўлдики, оғиш бурчаги Аристархдан Птолемейгача /400 йил/ секинроқ, Птолемейдан Ал-Баттонийгача /750 йил/ тезроқ, ал-Баттонийдан менинг давримгача янада камроқ камайган.

Беруний: — Эй, дарвоқе, энди аён бўлди: бу ҳаракат тезланишли экан. Бу масала ҳақидаги мулоҳаза нега қовушмайди, деб юрар эдим. Самовий жисмлар ҳаракатидаги тезликлар бир хил бўлмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар Ал-Фарғонийда ҳам ўз изоҳини топган.

Коперник: — Бунга мен ҳам қўшиламан. Оврупода Региомонтан, Доменико ва Шёнер — ўша оғиш бурчагини тадқиқ қилган машҳур астрономлар, шу фикрда эдилар.

Птолемей: — Ҳа, дарвоқе, яхши эсимга солдингиз. Бу тезланишнинг табиатини айтмайсизми: радиус — векторнинг иккинчи ҳосиласи экан. Ажабо, бу фанда бутунлай б о ш қ а дунё-ку-а?

Улуғбек: — Бизнинг замонамизда ҳам худди шундай эди. Олий математика йўқ эди, лекин унинг замини тайёрланган эди. Бизнинг Самарқанд академиясидагилар бир математик масала билан кўп ва узоқ шуғулландик. Гап «пи» сони устида кетаяпти. Айлана узунлигининг диаметрга нисбати одатда, 3, 14, деб топилади. Буни ҳамма замонлар ўқувчилари билади. Бу миқдор тақрибан, тўла эмас, туласини ёзиб бўлмайди, чунки вергулдан кейинги сонлар сони чексиз. Бу эса чексизлик билан чеклик орасидаги муносабат — қизиқ фалсафий масала. Бу масала қуйидаги йўл билан маълум даражада ечилди; айлана олинди, у иккига бўлинди, ҳар бир ярим айлана иккига бўлинди, ҳар бир ёй иккига бўлинаверди. Бўлиш сони $3 \cdot 2^8$ га етди. Бу иш жуда заҳматли бўлди. Агар бу бўлиш сони чексиз бўлса эди, қўпбурчак айланага айланар эди. Ҳар ҳолда «пи» сони миқдори вергулдан кейин 17 хонагача тўлдирилди. Лекин бунинг ўзи ҳам чексиз кичик миқдорлар ҳисоби бўсагасига етиб қолган эканлигини маърузалардан бирида англадим. Бу кўпчиликнинг ишида Ғиёсиддин Коший бош-қош бўлди.

Птолемей: — Мен бир нарсага ҳайрон қолдим. Маълум ёйнинг синусини ўлчаш ҳамма вақт олимлар эътиборини жалб этган. Масалан, мен ярим даражанинг синусини аниқлаганимда, вергулдан кейин еттита сонни олишнинг удласидан чиққанман.

Коперник: — Э, мен Сиздан ўн тўрт аср кейин беш хонали сонни ололганман, холос.

Птолемей: — Гап шунда-да. Улуғбек академиясида бир даражанинг синусини ҳисоблашиб, вергулдан кейин ўн тўққиз сон олишга муваффақ бўлишибди. Қойил.

Ал-Фарғоний: — Боғдоддаги «Байт ул-ҳикма» академиясида асосан Марказий Осиёдан таклиф этилган олимлар ишлашар эди. Ҳар биримиз алоҳида ишлар эдик. Фикрларимиз ҳам гоҳо мос келмас эди.

Лекин ҳаммамиз аҳил яшар эдик. Сизнинг академиянгизда, Улуғбек, қандай бўлган?

Улуғбек: — Академиямиз асосий илмий ходимлари: Ғиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва мен, кейинроқ Али Биржандий, Муйиниддин ибн Ғиёсиддин, Мирим Чалабий, Мавлоно Муҳаммад, Салоҳиддин Мусавий каби етук олимлар ишлаган. Умуман, академия машғулотларида 90 дан ортиқ олиму фозиллар фаол қатнашган.

Беруний: — Умуман академияда ёзилган китобларнинг номларини айтиб ўтсангиз.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

(Давоми бор)

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ТАНЛОВИ

Аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика, психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолаларининг ўтказилган йиллик танлови кенг илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Шу сабабли Халқ таълими вазирлиги бу танловни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилди. Айни пайтда танлов Низомига кўп сонли илмий ходимларнинг таклифлари асосида баъзи ўзгартиришлар киритилди. 1998 йилда ҳам қуйидаги Низом асосида энг яхши мақолалар танлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танлови тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танлов педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

2. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларида педагогика ва психология фанларидан илмий ишлар ёзаётган 45 ёшгача бўлган аспирант, докторант ва илмий изланувчилар иштирок этишлари мумкин.

3. Танловга педагогика ва психология фанларининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар қабул қилинади.

Танловнинг барча масалалари билан боғлиқ бўлган ишлар Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бу ерда педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт гуруҳлар тузилиб, танловга юборилган ишлар таҳлил қилинади ва I,II, III ўринлар аниқланиб, вазирлик раҳбариятига мукофотлаш учун тавсия этилади.

II. Танлов учун юбориладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар:

1. Танловга юборилган илмий мақолалар якка тартибда ёзилган бўлиб, ҳажми 0,5 босма табоқдан ошмаслиги ва таҳрирдан чиқарилган, 1,5 интервалда қора лента орқали машинкада ёки компьютерда ёзилган бўлиши лозим. Танловга мақолалар 2 нусхада юборилади.

2. Илмий мақолалар билан бирга, юқоридаги техник талабларга риоя қилинган ҳолда, унинг моҳиятини акс эттирувчи 2 нусхада аннотация ҳам тақдим этилади.

3. Илмий мақола мазмунида қуйидаги жиҳатлар ёритилиши шарт:

— илмий мақолада кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги;

— илмий мақолада тажриба-синов майдонларида олиб борилган ишларнинг ёритилиши ва улардан олинган натижалар, илмий хулосалар баён этилиши;

— илмий мақолада хулоса ва натижаларнинг халқ таълими ва халқ хўжалиги учун фойдали томонлари кўрсатилиши;

— тегишли тавсиялар берилиши лозим.

Танловга юбориладиган мақолалар жорий йилнинг 1 декабригача Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармасига топширилади ва бу муддатдан сўнг юборилган мақолалар кўриб чиқилмайди.

Танловга юборилган мақолалар, совринли ўрин олиш ёки олмаслигидан қатъи назар ўз эгаларига қайтарилмайди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар матбуотда эълон қилинмаган бўлиши лозим ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари илмий-назарий, илмий-методик ҳамда аспирант ва докторантларнинг илмий анжуманларида эшитилиб, муҳокамадан ўтгандан кейин юборилади.

III. Танлов ғолибларини тақдирлаш

Танлов ғолибларини тақдирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Эксперт гуруҳларининг тавсияларига асосан:

Педагогикадан:

1 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида;

2 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида;

3 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида.

Психологиядан:

1 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида;

2 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида;

3 ўрин учун энг кам иш ҳақининг 4 баробар миқдорида пул мукофоти, шунингдек, вазирлик тақдимномаси, дипломлари берилади. Танловда совринли ўринни эгаллаган мақолалар тўплам қилиб нашр этилади.

IV. Мақолаларнинг танловини ўтказувчи эксперт гуруҳи таркибини тузиш

1.Танловни ўтказувчи гуруҳга Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармаси умумий раҳбарлик қилади ва мавзуларнинг йўналишлари бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилиб, эксперт гуруҳини тузади.

2. Эксперт гуруҳи ишида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар.

3. Ўз илмий мақолалари билан танловда иштирок этган аспирантларнинг илмий раҳбарлари эксперт гуруҳи аъзоси бўлолмайдилар. Шу сабабли аспирантлар мақолалари аннотациясида ўз илмий раҳбарларини кўрсатишлари лозим.

4. Эксперт гуруҳи аъзолари имкониятга қараб моддий рағбатлантириладилар.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Алишер НАЗАРОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0414. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00. Г. 123456